

Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси

“Наманган Минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУК

ТАСДИҚЛАЙМАН



**«Наманган минтақавий йўлларга
буюртмачи хизмати» ДУК**

бош муҳандиси

Ахмедов **Н.Ахмедов**

2022 йил

**Наманган вилояти шаҳар/туман хокимликлари тасарруфида бўлган ички
хўжалик йўлларини давлат бюджети маблағлари ҳисобидан жорий
таъмирлаш ишлари лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишга**

ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

Бош буюртмачи	«Наманган минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати» ДУК
Бош лойиҳачи	Танлов асосида
Ёрдамчи лойиҳачилар	Бош лойиҳачи томонидан танланиши мумкин
Бош пудратчи	Танлов асосида
Лойиҳалаш учун асос	Наманган вилояти шаҳар/туман хокимликлари тасарруфида бўлган ички хўжалик йўлларини давлат бюджети маблағлари хисобидан жорий таъмирлаш ишлари бўйича 2022 йил учун манзилли рўйхати <u>Жорий таъмирлаш</u>
Қурилиш тури	(қуриш, реконструкция қилиш, тўлик таъмирлаш, жорий)
Объектнинг жойлашган ўрни	<u>Наманган вилояти</u> (объектнинг жойлашган вилоят, туман)
Лойиҳалаштириш босқичи	<u>Ишчи лойиҳа</u> (ДТИХ, ТИХ, ишчи лойиҳа, ишчи ҳужжат)
Лойиҳалашнинг алоҳида шароитлари	<u>ШНҚ 2.05.02-07 ШНҚ 2.07.01-03</u> (лоийҳани ишлаб чиқиш жараёнида фойдаланиладиган ҚМК, ШНҚ адабиётлар ва қўлланмалар)
Шаҳар ва йирик аҳоли пунктлардан йўлни ўтказиш шарти	<u>ШНҚ 2.05.02-07 ШНҚ 2.07.01-03</u> (қайси ҚМК, ШНҚ қўлланмалар талаби асосида)
Жойнинг тавсифи	<u>Текислик</u> (лоийҳаланиётган ҳудуд жойлашуви)
Қурилиш ишларини бошланиши	<u>2022 йил</u>
Қурилиш ишларини тугаллаш	<u>2022 йил</u>
Йўл муҳандислик иншоотларнинг мавжудлиги	-
Йўлнинг асосий кўрсаткичлари	Манзилли дастурда кўрсатиб ўтилган кўчаларнинг йўл қопламаси кенглиги 4,5-8,0 метргача, йўл ёқасини мустаҳкамлаш ишлари 0,25-1,75 метргача.
Лойиҳаланаётган йўлда	-Кўчанинг кенглигидан келиб чиққан ҳолда габарит танлаш ишлари олиб борилсин; -мавжуд асфальтобетон қоплама яроқсиз ҳолатга келган бўлса, чуқурчаларни таъмирлаш, яроқсиз қоплама қолдиқларини хайдаб бузиб янги қоплама қуриш, чуқурчаларни таъмирлаб янги қоплама қуриш ишлари лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқишида инobatга олинсин; -Мавжуд кўчаларда сунъий иншоотлар (қувурлар, темир бетон новлар,) назарда тutilмасин; -Мавжуд қопламанинг кенлигига қўшимча ўзгартириш киритмаган ҳолатга лойиҳалаш ишлари олиб борилсин. -буюртмачи томонидан тасдиқланиб тақдим этилган йўл-кўприк қурилиш учун керакли қурилиш хом-ашёлари, тайёр маҳсулотлари олиши манбаалари ва усуллари қайдномаси, қурилиш материаллари, машина-механизмлар бир маш-

соатлик нарҳи , иш ҳақи ва пудратчининг бошқа харажатлари келишув баённомаси асосида лойиҳа-смета хужжатлари ишлаб чиқилсин.

Йўл тўшамаси

ШНҚ 2.05.02-07 га асосан а/бетон қоплама кузда тўтилсин. Мавжуд йўлнинг ҳолатидан келиб чиққан ҳолатда;

-ҚША дан Н-0,15-0,25м қалинликда асос, Н-0,05м қалинликда қопламанинг устки қатлами ҳамда Н-0,05м қалинликда йўл ёқасини мустаҳкамлаш.

-Янги қум-шағал аралашмасидан фойдаланиб кўчанинг кўндаланг кесим нишабликларини тўзгилаш ва зичлаш ҳамда асфалтобетон қоришмасидан Н-0,05 м қалинликда қоплама қуриш;

-Чуқурчаларни таъмирлаш ва устидан янги асфалтобетон қоришмасидан қоплама қуриш;

Яуқурчаларни (5м² гача, 25 м² гача) таъмирлаш, ҳамда картасимон таъмирлаш.

Лойиҳалаштириш учун бошланғич маълумотлар

Асосий қурилиш материаллари ва конструкцияларнинг сифати, транспортда ташиш шароитлари, темир-бетон конструкциялари, деталлар ва махсулотларни тайёрловчи завод ва базалар, олиб борувчи ва юк тушириш йўллари, йўл қоришмаларини тайёрловчи корхоналар омборлари ва йўл қурилиш материаллари карьерларнинг мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар, лойиҳанинг смета хужжатларида ҳисобга олинishi керак бўлган устама харажатлар, имтиёзлар миқдори, иш хажми, қўшимчалари ёки бошқа харажатларга коэффицентлар ишлар жараёнида аниқланиб, буюртмачи билан келишилши лозим.

Лойиҳани экспертизадан ўтказиш ва муаллифлик назорати ишларини олиб бориш

Шартномага асосан амалга оширилади

Лойиҳаларни ишлаб чиқишни муддати

Шартномада аниқланади

Йўл ва автотранспорт хизмати бино ва иншоотлар жойлашув зарурияти

Кўзда тўтилмасин.

Техник жараёнлар, жиҳоз ва ускуналарга талаблар

Пудратчининг мавжуд қувватларига асосланган ҳолда аниқланади.

Қурилишни ресурслар билан таъминлаш

Маҳаллий материаллардан фойдаланишига устуворлик берилиб ишчи лойиҳада аниқланади.

Табиий атроф-муҳит муҳофазасига талаблар

Меъёрий хужжатлар талаблари асосида ҳисоблансин.

Худудни тиклаш ва ободонлаштириш бўйича талаблар

Ердан оқилонга фойдаланиш таъминланиши лозим. Атроф-муҳитни химоялаш бузилган ерларни тиклаш ишлари харажатлари кўзда тутилиши керак

Лойиҳалашда эришиш зарур бўлган асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлар

Капитал қўйилмаларнинг мўлжалланаётган хажми ва молиялаштириш манбаълари

*Молиялаштириш манбаи:
Бюджет*

Қурилишни тугатиш ва қувватларини ишга туширишнинг мўлжалланаётган муддатлари

Лойиҳалаштирилаётган ишлар хажмидан ва технологик талаблардан келиб чиқиб, ишчи лойиҳада аниқланади

Қурилишнинг алоҳида шарт-шароитлари

Сейсмиклик даражаси ҚМҚга биноан қабул қилинади.

Тупроқ чўкиши дала-қидирув ишлари асосида аниқланади

Стандартларга риоя қилиш талаблари

Давлат стандарти

Топшириш-қабул қилиш тартиби


Ишчи лойиҳа ушбу техник-тотшириқ талабларига биноан қабул қилинади.

Сметалар амалдаги нархларни ҳисоблаб чиқилиши лозим.

Ишчи лойиҳа 3 нусхада ва амалдаги стандартлар бўйича расмийлаштирилган бўлиши керак.

Келишилган:

Буюртмачи: «Наманган Минтақавий йўлларига буюртмачи хизмати» ДУК вакили


(имзо)

Д.Боязов
(Ф.И.Ш)

“ ” 2022 йил